

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## ИШОНЧ ВА ЭЪТИҚОД МУСТАҲКАМ БЎЛСА...



Менинг соҳам — пиллачилик нари-бери бир ойда бўладиган ишдек туюлса-да, асли жуда инжиқ меҳнат. Ўзим яхши кўриб шу соҳани танлаганман. Игнанинг кўзчасидек жонзоднинг оппоқ, чиройли бир жонга айлангани ва ундан мусича тухумидек пилланинг бунёд бўлиши, пилладан кўзни оладиган ял-ял ипакнинг бунёди. Мўъжиза эмасми бу? Инсон боласининг меҳр билан қилган меҳнатини Яратган қадр этади, зарга, гўзалликка айлантириб беради, дегани эмасми бу?

Институтни тугатиб келгач, Беруний пилла қуритиш корхонасида ишладим. Мустақиллик шарофати билан корхонамиз очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди, менга раҳбарликни муносиб кўришди. Бир замонлар ҳар қадам, ҳар сўзимиз қолипда эди. Бугун бор кучингни жамла, имконият ярат, меҳнатингдан ўзингга ва элга самара бўлсин, дейилади. Авваллари кечани-кундузга улаб етиштирган пилламизни арзон-гаровга узаттардик. Ипақдан атлас бўлади, шойи тўқилади деб эшитиб, ўқиб юраверардик. Мана энди бу қандай санъат эканини ўзимиз кўраяпмиз, жамоамиз ғайрати, раҳбарларимиз мадади билан пилламиздан ип йигириш чеҳи кўриб ишга туширдик. Бир вақтнинг ўзида 35 та янги иш ўрни очилди.

Пиллачилик кишлоқ хўжалиги ва саноатнинг асосий тармоғи эканлиги сезила бошлади. 2000 йил пилласидан 9 миллион сўмдан зиёд соф фойда олдик. Бу йилги ҳисоб-китоблар ҳам яқунланай деб қолди. Ҳар ҳолда чўмичимиз куруқ эмас. Акцияларимиз учун дивидент олаяпмиз. Кишлоқларимизда янгидан-янги тутзорлар ўстираяпмиз. Бизнинг шароитда бир туп ниҳолни бир қарич ўстириш осон эмас. Аммо ҳеч ким қийин экан, деб қараб ўтиргани йўқ. Муттасил ҳаракат, муттасил интилиш. Кунларни, сотларни яхши кўриб бораётгандек одамлар. Йўқса, бу қадар қаттиқ меҳнат қилармиди? Фақат тирикчилик учун инсон бунча захматга бўйни ёр бермайди. Ҳаётни қадрлагани, эртага ишончи уни ҳаётга боғлайди.

Бугун арафа. Эртага байрам мушаққари осмонларни ёруғлантириб Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тантаналарини нишонлаймиз. Ўн йилликнинг залворли яқунлари орасида менинг — икки фарзандини бағрига босиб, ҳам эл, ҳам болалар деб яшаётган оддий бир аёлнинг, ёнимга кўлдош, қанот бўлиб, бирга яратиб, бирга суюнаётган жамоам, туманимдаги пиллакорларнинг ҳам кичик бўлса-да ҳиссамиз бўлади. Биз ҳам ёруғ юз билан



бир-биримизга "Ёмон ишламадик, байрам шодликлари ҳаммага, ҳаммамизга буюрсин!"- деймиз.

**Пошшахон ҚОДИРОВА,**  
**"Беруний-пилла"**  
очик турдаги  
акциядорлик жамияти раиси,  
Республикада хизмат  
кўрсатган пиллакор

## ЎЗБЕК ПОЛВОНЛАРИНИНГ КЕЛАЖАГИ БОР!

Бир неча кун давомида Ўзбекистонимизда ёшлар ўртасида юнон-рум ва эркин кураш бўйича тўққизинчи жаҳон чемпионати давом этди. Жаҳоннинг 50 дан ортик мамлакатидан келган 500 нафарга яқин полвонлар бу ерда бўлажак жаҳон олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида куч синашдилар. Аслида курашни белида белбоғи, юрагида ори борларга чиқарган. Халқимизнинг ўғлонлари шаънига ҳам жуда ярашадиган гап бу. Пойтахтимизнинг "Ўзкўрғазмасавдо" биносидан бўлиб ўтган бу галги спорт мусобақаларида 18 нафар навқирон полвонларимиз Ватанимиз шарофтини ҳимоя қилишди.



Улар орасида Темура Фатхуллин, Акбар Қўзиёев, Жаҳонгир Турдиев, Дилшод Мансуров, Баҳодир Имомовлар бор.

Юртдошларимиздан Жаҳонгир Турдиев 76 килограммли полвонлар ўртасида куч синашиб, бронза медалга сазовор бўлди. Музаффар Абдураҳмонов билан Магамед Ибрагимовлар эса кумуш медал соҳиб бўлишди.

Қизгин ва ҳаяжонли дамлар ҳам ортда қолди. Бироқ, спортчилар келажақда Тошкентда ҳали кўплаб спорт мусобақаларида қатнашишга ишонган ҳолда юртимиздан жўнаб кетишди.

Ватанимизда ҳали жуда кўп спорт беллашувлари бўлишига, юртимиз спортчилари ҳам жаҳон узра Ўзбекистон байроғини янада юқори кўтараверишлариغا ишонамиз.

**Басира САЙИДАЛИЕВА**

## «ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ»



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзусида ўтказилаётган фестивал бу гал Самарқанд вилоятига бағишланди.

Самарқанд қадимдан ўзининг хуш табиати, ҳосилдор тупроғи, меҳнаткаш, гўзал чехрали одамлари, минг йилликларни қамраб олган шонли тарихи, маданияти, санъати, асори-атикалари билан дунёга маълум ва машҳурдир. Аиниқса мустақиллик йилларида Самарқанднинг кўрки, салобати, чиройи очиб, барқ уриб ривожлан-

ди. Фестивал кўрғазмасида самарқандлик санъат ва маданият намояндаларининг, қўли гул хунармандларининг асарлари намуналари-картиналар, нақшкор сандиқлар, мис ва чинни идишлар, гиламлар жозибаси билан, бетакрорлиги билан фестивалга ташир буюрган юртдошларимиз нигоҳларию қалбларини ром этди.

Истиқлол йилларида Самарқанд саноати ривожланган вилоятга айланди.



руз" Ўзбекистон-Эрон, "Балтимор-Челак", "Зарафшон-Калифорния", "Самарқанд-Лихтенштейн" каби қўшма корхоналари маҳсулотлари ҳам бугунги кунда ўз харидорларига эга.

Қатрада куёш акс этади, деганларидек, фестивал сайқали рўйи замин бўлмиш Самарқанднинг бугунги кунини, бугунги қадими хосиятли, эртаси — ис-



"СамКочавто" қўшма корхонасида 9 хилдаги автотранспорт воситаси ишлаб чиқарилмоқда. "Пулсар" Самарқанд-Прага, "Пи-



тиқболи эса нурли эканлигини яна бир бор намойиш этди.

**Одил НУРМАМАТОВ**



- Гулчехра Билоловна, баъзи муштарийларимиз — эркаклар-аёллар ўзларини фарзандсизлик муаммоси кийнаётганини бизга ёзган дил изхорларида баён этишади. Улар бепуштлиқ касаллигидан қандай қилиб фори бўлишни сўрашади.



- Бизга мурожаат қилган мухлисларимиздан кўпчилиги хусусий касалхонада даволанганини ёки дорилар истеъмол қилганини, аммо дардига даво бўлмаганини ёзишади.

- Инсон онгида энг аввало ишонч пайдо бўлиши керак. Биз беморларимизга илк кунларда шунинчиси, яъни мен шу ердан даволаниб кетиб фарзандли бўламан деган фикрни синдиришга эришамиз. Бу борада бизнинг 55 йиллик тажрибамиз бор. Қайси касални қандай даволашни яхши биламиз. Санаториямиз 1946 йилда Тошкентда ташкил топган, мен эса 1982 йилдан буён шу даргоҳдаман.

- Гулчехра Билоловна, шифохонангизда даволаниб чиқиб, фарзандли бўлган оилалар миннатдорчилик билдиргани келиб туришса керак?

- Албатта. Улар жуда кўп, мана, яқинда Кўқонлик Зулфияхон Ма-

## ФАРЗАНД — УМР МЕВАСИ

Чирчиқ шаҳридаги 8-Март санаторияси бош врач, "Соғлом авлод" ордени соҳиби Гумчехра ИБРАГИМОВА билан суҳбат.



матова ўғилчалик бўлганлигини ёзиб юборибди. Сурхондарёлик Турсуной Пардаева исмли миҳозимиз 20 йиллик орауси ушалганини, яъни қизли бўлганини телефон орқали хабар берди. Юқори Чирчиқ туманида яшовчи Йўлдошев Ботиржон келиб эгизак фарзандли бўлганлигини қувонч, кўзда ёш билан гапириб берди. Бундай раҳматномалар, қувончли хабарларни тез-тез олиб тураемиз. Шундай дамда беихтиёр фарзандталаб оилаларнинг азалий орзуларини ушалашига ўз ҳиссамини қўшаётганимиздан фخرланиб қўямиз.

- Сизларга наҳот истаб келган оила қанча вақтдан кейин даво топиб кетади?

- Ҳар хил. Икки ҳафта даволаниб кетганлар бор, бир ойини ичда дардига малҳам топиб орзуларига етишганлар ҳам талайгина. Санаториямизда энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, компьютер аппаратлари ўрнатилган. Шунингдек биз даво муолажаларини лазер, магнит, балчик, ултрабинафша нурлари, массаажлар билан олиб бораемиз. Бу ерда ўз соҳаси бўйича профессор, тиббиёт фанлари кандидатлари беморлар хизматида бўлишади.

- Гулчехра Билоловна, кўпчилик сизларни ҳануз Кибрайда деб билишади, лекин Чирчиқ шаҳрига кўчиб кетиб сизлар...

- 8-Март санаторияси ҳозиргина Чирчиқ шаҳридаги Чайковский кўчаси, 98-уйда фаолият кўрсатмоқда.

- Мухлисларимизга қандай тилақларингиз бор?

- Юртимиздаги барча хонадонларда фарзандларнинг шодон қийқириги янграб турсин. Том маънодаги соғлом оилалар кўпайсин, эзгу ниятли юртдошларимиз — ота-оналар, фарзандлар мурод-мақсадларига етиб юрсинлар.

Дилшод ҚҮЛДОШЕВ



## АЛЁРЛАР ЯНГРАСИН...

Шукр Яратганга, беадад шукр, Нурафшон онларга етказди бизни. Дунё харитасин бир четига нур, Яркираб-яркираб олади кўзни.

Жаҳонда тенги йўқ давлатимиз хур, Одам қаторида санадик ўзни. Бир иймон меваси, имкон меваси, Ўзбекистон Республикаси.

Алёрлар янграсин тилларда шодон, Баҳорлар барқ урсин дилларда фақат. Қўлларда эркимиз, йўллар чароғон, Бизни манзилларда кутсин муҳаббат.

Аждодлар орзуси азалий армон, Биздан талаб энди юртга садоқат. Бир иймон меваси, имкон меваси, Ўзбекистон Республикаси.

Озод Ватан бахти доим барқарор, Ҳамма тенг яратган Эгам қошида. Эрк бор экан, одам бўлмас сира хор, Сўнмас юракларда завқу нашида.

Бағрингда яшайман, демак бахтим бор, Бахт азиз Ватаним оstonасида. Бир иймон меваси, имкон меваси, Ўзбекистон Республикаси.

Жалолоддин ҲАСАН,  
педагогика фанлари доктори,  
профессор



## ОЗОД ЮРТ ҚИЗИ БЎЛСАНГ...

Ёруғ бўлади юзинг, Обод юртда яшасанг. Қувончга тўлар кўксинг, Озод юрт қизи бўлсанг. Энг улуг, энг муқаддас, Кўз очганим Ватаним. Бахтим тугал бахт эмас, Бўлмаса бу Ватаним! Тарихи йиллар оша, Бўлсин элларга дoston. Орзуим шу-ҳамиша, Тинч бўлсин Ўзбекистон!

Гавҳар ҲАМРОКУЛОВА,  
Юнусобод туманидаги  
12-мактаб ўқувчиси

## ВАТАН ДЕЯ ЁНМАСЛИК ГУНОҲ

Киндик қоним тўкилган тупроқ, Сенда билдим не қора, не оқ, Юрагимнинг ардоғи сози, Ахир сени севмаслик гуноҳ, Ватан дея ёнмаслик гуноҳ! Мен мустақил юрт юлдузиман, Мағрур аждодларнинг изиман, Меҳнатиму бор билимим-ла, Юртин яшнатувчи ўзимман, Бахтиёрим, Наргиз қизингман.

Наргиза НОСИРҲҲАЕВА  
Тошкент

## ҲЕЧ КИМ ДАРД ЧЕКМАСИН

Хоразм вилоят касалхонасининг кулоқ, бурун, томоқ касалликлари бўлими мудири Исмоил Жумаевни вилоятда кўплар жуда яхши танишади.

- Кулоқ, томоқ, бурун хасталиклари асосан сурункали яллиғланиш натижасида пайдо бўлади, - дейди у. - Организмдаги кучсизланиш, ожизлик бу касалликларни тағинда кучайтиради. Кейинги пайтда кулоқ, бурун, томоқ хасталиклари билан боғлиқ аллергия касалликлар ҳам кўпайганлиги кузатиляпти. Айнқиса, Жанубий Орол-бўйи аҳолиси орасида экология билан боғлиқ оторинолорингологик касалликлар аллергия вазиятда намоён бўлмоқда. Чунки узоқ йиллик ҳаётий тажрибаларда экологик таъсир сабабли учраётган аллергия касалликлар бугунгидек даражада кузатилмаган. Шунинг учун Орол танглиги инсоният тарихида энг йирик экологик фожиалардан бўлиб, Хоразм ҳам унинг таъсири остида қолган.

- Тиббиётда асосий нарса бу - ташхис, - дея сўбатимизга қўшилди шифокор Муборак Жуманиёзова. - Утган йили оторинолорингологларнинг республика курултойида иштирок қил-

ганимизда бошқа вилоятлар тажрибалари, ишлари билан қизиқиб кўрдик. Самарқанд, Андижон вилоятларида компьютер томографиялари ишлаётган экан. Уларнинг таҳсинга лойиқ ишлари кўп. Орол минтақасида жойлашган бизнинг вилоятимиз учун айнқиса ана шундай тиббиёт асбоб-ускуналари жуда зарур, деб ўйлайман. Беморга аниқ ташхис қўйилгандагина операция ва муолажалар самарали бўлиши мумкин. Гоҳо бизнинг "тахмин"ларимиз панд беради. Ваҳоланки кулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволаш ниҳоятда пухталиқ ва зарғарона маҳоратни талаб қилади. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида беморнинг аҳволини янада яхшилаш, асоратлар қолмаслигига замин яратиш мумкин.

Ўз касби-коридан барака топаётган тиббиёт фанлари номзоди Исмоил ака Жумаев ўз эзгу-мақсади йўлида ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, одамларнинг ҳечам дард чекмасликларини истади. Ҳузурига келган беморларга бирдек меҳрибонлик кўрсатади. Шогирдларга талабчан устоз ҳалигача ўз устида кечаги талабадек ишлади, тиним билмайди, изланади. Бўлим мудири устознинг муносиб шогирдларидан бири Муҳаммад Ҳайитов: "Биласизми, талабчан устозим билан ишлаш қийин эмас, негаки, бундай фидойи ва билимли инсонлар билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиш осон бўлади", - деганида нақадар ҳақдир.

Дилбар БЕКЖОНОВА  
Хоразм вилояти  
Сувратчи:  
Исмоил ЖУМАШЕВ



## МЕНИНГ ДАРДҚАШ ДЎСТИМ

Газетанинг барча сонларини мунтазам ўқиб бораман. Ундаги ранг-баранг мақолалар менга ёқди. Айниқса оилавий муаммолар юзасидан берилган дўстона маслаҳатлар диққатимни ўзига тортади. Газета туфайли қанчадан-қанча оилалар тикланмоқда. Мана бир мисол - қайнонаси билан ҳеч қишлолмаётган бир кўшимиз бор эди. Мен бир куни мана бундан ўқиб кўринг, деб келинчакка газетани бердим. У эртасига чиқиб: «Раҳмат, агар шу газетани бермаганимизда оилам бузилиб кетар эди. Газетада қайнонадан ҳам ўтирроқ қайноналар ҳақида мақола бор экан. Мен шукр қилишим кераклигини, фақат ўзимни ўйласам, болаларимга қийин бўлиши мумкинлигини ўйлаб қолдим. Бундоқ мулоҳаза қилиб

кўрсам, ўзимдан ҳам ўтар экан», - деб чиқиб кетди. Орқасидан хурсанд бўлиб қолдим. Бу оилада бугунги кунда ҳаёт ўз маромида тинчгина давом этаётти. Ўзим ҳам баъзан тушқунликка тушиб қолсам албатта "Оила ва жамият" менга сабр қилишни ўргатади. Ногиронлик дарди қалбимни эзган пайтида дардқашим-дўстим бўлиб қолган бу газета. Ўзбекистон мустақиллигининг тенгдоши бўлган қадрдон газетамнинг муҳлислари кўпаяверсин.

**Фотиما ШЕРМАТОВА**  
Наманган вилояти,  
Тўрақўрғон тумани,  
"Олтин водий" ж/х.



## МАЪНАВИЯТИМИЗНИ БОЙИТАДИ

Биз оиламиз билан биргаликда ушбу газетани севиб, бирор сатрини ҳам қолдирмай ўқиймиз. Саккиз йилдан бери обуна бўлаемиз. Ўзим Гиждудон туман марказий кутубхонасида кутубхоначи вазифасида ишлайман.

Бу газета орқали жуда кўп нарсаларни, ҳаётдаги воқеаларни билиб оламиз. Баъзи воқеаларни ўқиб нафратлансак, баъзи ёш келинчаларга раҳимимиз келади. Ушбу газета меннинг жону дилим. Кўшни дўгоналар ҳам бу газетага обуна бўлишди. Баъзан ўқиганларимни улар билан ўртоқлашиб, ўзимизча турли

фирқлар билдирамиз.

Аммо, баъзида транспортда, кўча-кўйда "Газета ўқийдими нима фойда? 1-2 сўм пул берармиди? Ундан кўра бозоримдан қолмай", дегувчиларни эшитиб қолсам, жуда хафа бўлиб кетаман.

Ахир газета инсонга берадми, бу нарсани миллион сўмга ҳам сотиб ололмайсиз. Бу менинг шахсий фикрим. Оиламизда ҳамма маънавиятга интилади. Бундан хурсандман. Айниқса менинг 3 нафар фарзандим бор. Худого шукрки, қизим, ўғилларим ҳам китоб-газеталарни севиб ўқийдилар.

Умуман олганда "Оила ва жамият"ни республикамиздаги барча аҳоли ўқишини хоҳлардим.

**Марзия ФАТТОВА**  
Гиждудон



## ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН

(Боши ўтган сонларда)

Ўғлоним, муҳаббат бошқа, рўзгор бошқа нарса. Муҳаббат эркин - истасанг заминий, истасанг осмоний малакни сев! Чунки, у ҳеч кимга халақит бермай юрагингда яшайди. Аммо, умр йўлдошлик гоёт жиддий ҳисоб-китоб билан тузилиши шарт. Чунки бу ўзинггача бўлган сулолани давом эттириш давом ўзингдан авлод қолдиришдай масъул, жавобгарлик ишидир. "Тенг тенги билан", деган нақлга бўш қарама. Зот суриш, аслига тортиш деган гап бор, олманинг тагига олма, беҳининг тагига беҳи ташади, ўғлоним. Имкон борича яхши авлоднинг, яъни ҳалол, тоза кўлмаган, ота-онасининг келиб чиқиши тайинли, айниқса, онаси яхши қизга боғлини насиб этсин. Дадам раҳматлининг бир гаплари қулогимга зирак бўлиб қолган: "Отаси ёмон - биттаси ёмон, онаси ёмон - ҳаммаси ёмон", - дердилар. Агар сенинг болаларингдан бошлаб сифат белгиси тушиб кетса, билгинки, энди отабуваларингнинг руҳи сени ташқиб қилади, қолаверса, ноқис феълли фарзандлар қолдираётганинг учун икки дунёнинг мотамсародир.

## ОМАД ВА УЗОҚ УМР ТИЛАЙМАН

Мен ушбу газетани жон дилимдан севиб ўқийман. Айниқса дил издорларини битта ҳам қолдирмасдан ўқиб жуда ҳам хурсанд бўламан. Чунки бунда севишганларнинг севги изтироблари, уларнинг бу йўлда ҳатто ўз ширин жонидан кечишга тайёр эканликлари қалбни ларзага солади. Шу

қатори биз ёшларга ҳаёт йўлида адашмаслик лозимлигини ўқиради, мардондорликка ундайди. "Оила ва жамият"га ва унинг ижодкорларига омад ва узоқ умр тилаб қоламан.

**Икром ИМОМОВ**  
Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон тумани,  
Шўр қишлоғи

## ОРЗИҚИБ КУТАМИЗ

Мен Наманган шаҳар Марказий кутубхонасида ишлайман. Кўпгина нашрлар қатори "Оила ва жамият" рўзномасига ҳам обуна бўлган эдик. Натижада китобхоналаримиз сони ортди. Чунки рўзноманинг ҳар бир сонини биз кутубхоначилар қато-

ри китобхоналар ҳам орзиқиб қутушади. Сўнгра рўзнома ҳамма навбатма-навбат ўқиб чиқшади. Бу албатта газета ижодкорларининг сермашаққат меҳнати самарасидир.

**Озодахон МАМАДАЛИЕВА**  
Наманган шаҳри

## БАХТИЁРЛАР САФИ КЕНГАЙСА...

Бу газета оилаларга ва жамиятимизга жуда катта фойда келтиряпти, деб ўйлайман. Газетанинг саҳифаларида юртдошларимиз экинларига айтолмаган сирларини ёзиб, биз муштарийларнинг панду-насихатларини ва маслаҳатларини қутушади. Биз

эса ёру-биродарларимизга, опа-сингилларимизга, ёшларимизга ёрдам қўлимизни узатайлик. Токи шу газета орқали уларга озгина бўлса ҳам далдамиз тегиш ва бахтиёрлар сафи кенгайсин.

**Зухра САУРАНБЕКОВА**

## ЮРАГИНГ СИҚИЛСА...

Биз оиламиз билан "Оила ва жамият" рўзномасининг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз. Оилада 6 фарзандимиз. Рўзгорни онажонимиз бир ўзлари тебратлади. Шу 6 фарзанддан ошириб онажоним "Оила ва жамият" газетасига обуна бўлган. Чунки бу рўзнома жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Оиламизга ҳар бир сони бир олам қувонч олиб киради. Шунинг учун мен

оиламиз номидан сиз азиз ижодкорларга миннатдорчилик билдираман.

**Юрагинг сиқилса бирдан, ўзингни қийнама шу дам. Сенга берсам маслаҳат: ўқинг "Оила ва жамият".**

**Самида ТЕШАБОВА**  
Андижон вилояти,  
Избоскан тумани,  
Бўстон маҳалласи

## СИЗНИ ЖУДА СОҒИНДИК

Менинг бешта тоғам бор, барчаси ҳам яхши, лекин улар орасида ўртанча тоғамга нисбатан меҳримиз бирмунча банддор эди. Кун ора бизларникига келиб турарди. Машина овозини эшитишимиз билан кўчага чопиб чиқар эдик. Кимдир бир юмуш билан мурожаат қилса, бажонидил бажарар эди. Хар доим қувноқ бўлиб юрарди. Нимадандир хафа бўлсам, яхши гаплар айтиб албатта кўнглимни кўтарарди.

Эсимда, 8 декабр куни бизларникига бувим билан биргаликда меҳмон бўлиб келдилар. Ҳаммамиз дастурхон атрофида ўтирдик. Тоғам ҳам бизлар билан анча вақтгача сўхбатлашиб ўтирди. Кейин бувимни бизникида қолдириб, ўзи кетди. Кетаётган бувимга: "Ўзим эртага сизни олиб кетаман", - деди. Бизникидан чиқиб энг яқин ўртоғиникига ҳол-

ахвол сўрагани кирибди. Шу кеч уйига қайтаётган йўлда автомобил ҳалокати туфайли бу ёруғ оламдан бевақт кўз юмди. Мана, бир йил ҳам ўтибдики, эсламаган кунимиз йўқ. Тоғамнинг руҳи норасида фарзандларини қўлласин. Бувимга ва бошқа қариндошларимизга Оллоҳдан сабр-бардош тилайман. Ҳеч бир инсон фарзанд доғини кўрмасин.

**Кўзингизда серташвиш бу дунёнинг саволи, Юзингизда акс этар ўтган кунлар сурони. Ўзингизис ардоқли, пок меҳринг тимсоли, Азиз тоғажонгимам, сизни жуда соғиндик.**

**Зулфизар МЕНГЛИЕВА**  
ЎЗМУ талабаси

## БИЗ БОР ЭКАНМИЗ...

Бир мактабда ўқиб, ўйнаб-қулиб юрган яқин дўғонам Воляхондан айрилиб қолдим.

Дўғонам Воляхон жуда чиройли, аълочи, тарбияли, камтарин, кўзлари янаш турадиган қиз эди. У қаратга қатнашарди. Сузишдан ҳам биринчи ўринни олган эди. Шундай ажойиб дўғонамдан ажралиб қолдим.

Воляхон ҳар чоршанба "Оила ва

жамият" газетасини олиб келарди. Онаси ва ўзи газетани ҳар бир сонини ўқиб кейин йиғиб қўйишарди. Воляхон агар ҳозир ҳаёт бўлганида 13 ёшга тўларди.

Жойинг жаннатдан бўлсин, дўғонам Воляхон. Биз бор эканмиз, демек сен ҳам биз билан биргасан.

**Умида ТОЛИПОВА**  
Тошкент,  
Чилонзор тумани

## КЎЛИМ ЕТМАС САМОЛАРГА КЕТГАН УКАМ

Бу воқеани нафақат ёзиш балки эслаш ҳам жуда оғир. 2001 йил 6 май куни бошимизга оғир мусибат тушди. Укажоним Акмалжондан бир умрга айрилиб қолдик. Акмалжон бахтсиз ҳодиса туфайли шахид кетди. Елкалари кенг, қошу-қўзлари қоп-қора, жуда ҳам чиройли эди, кўп қизларга ёқарди. Афсуски бу чирой эрга аталган экан. Ҳозир ҳаёт бўлганида 22 баҳорни қаршилар эди, афсус... «Нега бевақт кўз юмдиган Акмалжон. Аяжоним ҳар куни "Қани менинг Акмалим", - деб йиғлайди. Қани энди барчаси туш бўлсайди, вафот этган кунинг ҳамма «жаннатга кетди», - деб айтиди. Акмалжоним биз сени ҳеч қачон унутмаймиз. Юрагимизнинг бир парчаси сен. Адажоним билан аяжонимга сабр-тоқат тилаймиз. Жойинг жаннатда, гўринг тула нур бўлсин...»

**Ойга қўйсам ойнинг гарди урар дедим, Ерга қўйсам сизга чанги кўнар дедим, Еру-қўкча ишонмайли юрар дедим, Кўлим етмас самоларга кетган укам. Чидолмайман минг нолаю фирқаларга, Акмалжон сизни беролмайман тупроқларга, Укажоним сиз яшайсиз юракларда, Кўлим етмас самоларга кетган укам.**

**Акаларинг: ЎКТАМЖОН, МУЗАФФАРБЕК, АДҲАМЖОН, ЎЗАМЖОН, опаларинг: ФЕДУЗАХОН, МАҲФУЗАХОН, МАШҲУРАХОН, МАҲБУБАХОН**  
Чироқчи тумани,  
Чияли жамоа ҳўжалиги

Бир-бирини тушунишни эвлаш, бола деган бир парча гўштдан инсон ясаш, умрни ўтин қилиб, қора қозонни қайнатиб демакдир. Эрак зотининг эса бир заифлиги бор - у ўта санимий, ишонувчан. Таъсирга осон берилади. Унга энг кучли таъсир ўтказиши мумкин бўлган одам унинг аёлидир. "Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам - аёл", деган нақлни куйганлар айтган! Шу боис, ўғлоним, ўзидан кўра ақли чиройли бўлган жуфт тилагин. "Рўзгор" - деган зимистон горда ёнингда юрагини ёқиб, йўлингни ёритиб турадиган садокатли, сабрли, эплли-шудли ёр тилагин!

Йигирмагина ёшингда инсон саралашни сен қандай биласан? Рўзгорнинг сен билмаган, ота-онанг тилга чиқариб айтмаган, айтиб бўлмайдиган талай нозикликлари бор, шундай синовларни кўтарадиган одам танлашни бу гўрғина бошинг қандай эвласин? Айниқса, бошингга муҳаббат савдоси тушганда шайтон маълун юрагининг қатига кириб олади ва фақат тескари йўлга ундаб туради, кўзингни кўр, қулогингни қар қилиб қўяди! Мана шу исканжадан ор-номусингни сақлаб, покиза чиқиб кетолсанг, сен ҳақиқий фарзандсан, имонли фарзандсан. Иншооллоҳ, сенинг фарзандларинг ўзингдан-да аъло бўладилар!

Бир йилгина қиядиган кийим, ўн йилгина минадиган машина олишда, уч-тўрт йил муддатли ўқишга киришда ота-она билан чандон маслаҳат қиласану, умрингнинг охиригача ҳамроҳ бўладиган жуфт танлашни наҳот гўрғина бошингнинг битта ўзи хал қилиб юборса?!

**(Давоми бор)**  
Турсуной СОДИКОВА

...Бир эмас, икки мартаба ўзим гувоҳ бўлган воқеа ҳали-ҳали шундоққина кўз олдимда туради: Биринчи сафар бозорда учратдим ўша эркаксифат аёлни. Бозор бўлгандан сўнг ҳамма нимадир олишга шошади, харидор кутиб ўтирган сотувчилар ҳам молини тезроқ сотиш пайида. Шу пайт кутилмаганда бозорнинг чекка томонида жанжал кўтарилди: йўғундан келган барваста аёл ёшигина йигитнинг иягига қўлини ниқтаб, шунақанги ҳақорат қилардики, атрофда турган кишилар уялиб кетишди. Аёл фақат эркакча бўлганда ҳам нуқул уятли сўзлар билан сўкинарди. Бечора йигит ўзини қаяққа уришини билмас, аёлнинг қўлидан тезроқ қочиб кўтилишга интиларди. Текин томоша йигитлардан бири

билан қараб турган йўловчиларга қилган "қахрамонлиги"ни гурурланиб гапир бошлади. Жамоатчилик жойларида «қахрамон»лик кўрсатган бу аёллар қимнингдир умр йўлдоши, бир ёки бир неча фарзандларнинг онаси бўлишса керак. Беихтиёр ўйлайсиз: тўғри келган жойда эркакча сўкинадиган бу эркаксифат аёллар қайси бир шўринг кургур эркакнинг пешонасига битган экан? Улар қўлида тарбия топаётган фарзандларнинг билим даражаси, маънавий олами қай даражада экан? Улар ўзлари бека бўлган оилани, хонадонни гулистонга эмас, балки гўристонга айлантисалар керак! Чунки уларнинг хатти-ҳаракати, оғзиларидан чиқаётган беҳаё сўзлар шундан далолат бериб турарди. Ризоуддин ибн Фахруддин

# КҮНГИЛ СОВУМАСИН ЭКАН

Бувимнинг ҳикояси: "Урушдан кейинги очарчилик йиллари... Одамлар қорни тўйиб нон эмас, далада, жазирама офтобтигида қорачикдай қотиб кетмон чопиб, пахта терсагина, бир бурда зогора нон билан атала ичиб, кунини ўтказар, булар ҳам кўпинча яхши ишлаган одамларгагина насиб этарди. Энг илғор колхозчилар гоҳи-гоҳида бирор кийимлик матоми, соат-ми, этикми, шунга ўхшаш буюмлар билан мукофотланиб турилар эди. Шундай кунларнинг бирида Салимжон ҳам яхши меҳнат қилганлиги боис, бир кийимлик атлас билан тақдирланади. Буни колхоз раиси Бўтавой ака ўз қўли билан туҳфа этарди. Бундан боши қўкка етган Салимжон уйига келиб атласни хотини қўлига тутқазарди. Буни кўрган она: «Атласни менга берасан, синглингни сепига қўшаман», дейди. Салимжон: «Онажон, урушда қон кечиб юрганнимда мен ҳам соғ-омон борсам қилшогимга ўғлим Ҳалимжонни суннат тўйи қилиб, элга ош берман, бу менинг ти-

риклигимга шукроналигим бўлади, дея умид қилгандим», дейди. Она атласни талаб қилишини қўймайди. Салимжон эса уни ўглининг тўйига кўрпа қилдирмоқчи эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Шунда онаси: "Илоҳи омин, шу атласни кўрпа эмас, ёлғизгина ўглингни тобути устига ёлғин", -дея юзига фотиҳа тортиб юборарди. Она оғзига оқ келса ҳам, қора келса ҳам ўглини, набираларини қўшиб қаргайверарди. Келини эса она-бола ўртасидаги жанжалга аралаша олмай, хўнграб йиғлаганча ичкари уйга кириб кетади. Ҳалимжон норасида гўдак эмасми, буви-сига раҳми келиб отасидан шафқат сўрарди. Орадан кунлар, ойлار ўтибди. Салимжон онаси айтган қарғишдан ҳамон ўзига келолмай, гоҳи-гоҳида ич-ичидан хўрсиниб ишлайверибди. Бир кун иртоқлари билан кўча чангитиб юрган Ҳалимжонни пахта ташийдиган трактор босиб кетади. Ҳамон кўрпа бўлишга улгурмай, сандиқ тагида ётган, ўша қарғиш теккан атласни тобут устига ёпишибди.

уруғи бўлган матони тобут устига ёпмасанг ҳам бўларди, ундан кўра икки метр сурп ёпақол, -дейди йиғидан кўзлари қизарган бригадир. Шунда Салимжон: - Кўяверинг ака, ният аввалдан шундай бўлган. Ният қилганлар муродига етди, -дея ўкраб йиғлайди. Салимжон онаси оламдан ўтгунча она юзини кўрмайди. Онаси ўлғач, бари расм-русумларини рисоладагидек қилиб ўтказарди. - Бу менинг фарзандлик бурчим, Худога шукр, яна кўша-қўша фарзандлар кўрдим. Тахмон-тахмон кўрпа-ёстиқлар қилдик. Лекин ўша атлас воқеасини ҳали-ҳамон унутолмайман, дер экан Салимжон ота умрини охиригача. Азизларим, яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Шундай экан келинлар, бир-биримизга доим очик юз, ширин сўз билан муомалада бўлайлик. Токи онанинг боладан, бола-нинг онадан кўнгли сову-масин. Сафия УЗОҚОВА Шахрисабз

## СИЗ БАРИБИР АЁЛСИЗ...

хиринг деди: "Шунақа хотининг бўлса борми?", ёнидагилардан биттаса: "Худо сақласин-е", -деб қўйди. Ўша кун бир нарсани сездимки, шу жанжални қанча киши кўрган бўлса, ҳаммаси ўша аёлдан нафратланишди. Кишиларнинг кўзларида: "Хайф сенга оналик, аёллик" деган маъно бор эди. Аёл бўлса, гўё буюк бир иш қилгандек, қатта-қатта одимлаб, эркакча сўкиншини давом эттирганича йўлига кетди.

шундай ёзади: «Ҳаё ислом да-рахтидан бир шох бўлиб, томир-лари жаннатда ва шохлари дунёдадир. Бу шохларга ёлишган зот, албатта томирларга ҳам туташа олур. Хотунларнинг юзла-рида бўлган ҳаё қизилли-гининг асари эрларнинг кўнгиллари-га яшидан тез ва кучли таъсир қилиб, муҳаббат уруғларини сочадир».

Уша ерда турганлардан жанжалнинг сабабини суриштирдим. Айтарлик ҳеч гап йўқ. Шунчаки, ширинлик сотаётган йигит қандангир бахосини сўраган ўша эркаксифат аёлга: "Тулин-гиз бўлмаса сўраб нима қила-сиз?" -деб қўйган экан. Бор гап шу.

Аёл ҳаёси ва ифати ҳақида бундан ҳам ошириб фикр айтиш мушкул. Фақат шуни айтмоқчи эдимки, аёл барибир аёллигини, қандай касбда, қандай ла-возимда бўлмасин, аввало она, тарбиячи эканини унутмасли-ги керак. Аёллик тахти, салтанати ҳеч қачон бой бериб бўлмайди.

Иккинчи сафар қўшни туман-даги автобуслар тўхтайдиган бош бекатда яна ўшандай эр-каксифат аёлни кўрдим ва у кўрсатган "томоша"нинг гу-воҳи бўлдим. Автобус кутиб турган йўловчилар бу аёлнинг ниҳоятда бепарда сўкинши-дан ҳайратга тушдилар. Ёши-на аёл шофёрлардан бири бил-лан жанжаллашарди. Ва у ҳам худди бозордаги аёл сингари фақат эркакча сўкинарди. Ав-тобус шофёри ундан кутул-моқчи бўлдимки, бўш автобус-ни ҳайдаб, жўнаб қолмоқчи эди, ҳалиги аёл шахд билан автобусга чиқди-ю, шофёрни қўлидаги сумка билан ура бошлади. Шофёр автобусни анча жойгача ҳайдаб борди-да, тўхтатди. Аёл сўкина-сўкина автобусдан тушди. Пастак бўйли аёл йўловчилар ораси-дан шундай виқор билан ўтди-ки, худди «қахрамон»лардек. Андиҳонга борадиган автобус-га чиқар экан, у ўзига ҳайрат

Маънавий қашшоқ бўлган, на-зоқотини йўқотган аёл эса ҳеч қачон яқин кишилари, қолавер-са атрофдагилар учун ҳам се-вимли бўлмайди. Ҳеч ким сев-майди, ҳурмат қилмайдиган аёл дунёдаги энг бахтсиз аёл-дир. Мен ўзимга замондош бўлган, бир ҳаводан нафас олиб, бир заминда яшаётган опа-сингилларимнинг ҳеч қай-сисига бундай бахтсизликни раво кўрмайман. Аксинча, ҳам-малари аёллик бахти, оналик тахтига эга бўлишиб, комил фарзандлар ўстирсинлар ва му-стакил юртимизга, ўсиб келаёт-ган ёш авлодларга муносиб она, ўз хонадонларига зийнат берувчи бекам бека бўлиб қол-синлар!

Раҳима АБДУРАҲИМОНОВА  
Андижон вилояти,  
Жалолқудук тумани



Ёз ҳам, болалик ҳам фанимат фасл.

## ЗАМИНГА АЁФИНГ ОҲИСТА ҚҮЙГИЛ

Азалдан ота-боболаримиз ўз фарзандларини азиз авлиёлар қадамжолари, қабристонларга ҳурмат руҳида тарбиялаб кел-ганлар. Бу тарбия қарангки, худ-досизлар жамиятини тузган шўро тузумининг етмиш йиллик мафқураси гуллаб-яшнаган даврда ҳам йўқ бўлиб кетмади. Илло, бир қадам салбий таъ-сирлар бўлди ва лекин қони-мизга сут билан қирган энг му-қаддас ва эзгу хислатлар бари-бир галаба қилди...

ишга киришдик. Баланд ўрна-тилган ҳавозага чиқиб минора-га тортилган 10-15 метрлик йўғон троссларни амаллаб олиб паства ташлай бошладим. Троссларни олиш жуда қийин эди, чунки улар юқоридаги асосга мустаҳкам боғланган экан.

дўхтир қақиршиди. Дўхтир касалхонага ётқизиш лозим-лигини айтди. Отам: "Сен нима дейсан?" дегандай менга қаради. Томоғимдан аранг: "Йўқ!" -дегандай гўқиллаган овоз чиқардим. Жигарларим: "Сенга нима бўлди ўзи?" -деб сўрайдилар. Айтадиган тил ишламайди. Фақат гўлдирайман. Шигга ти-қилиб йиғлаб ётибман. Кўз соққаларимдан ёш оқади, хо-лос.

Шу ўринда қариндошимиз Умар ака бошидан кечирган бир воқеани айтишим ўринли бўлар. Умар ака Абуахметов қудамиз-нинг ўғли бўлади. Бугун унинг ёши элликлар атрофида. Ўзи намозхон, мўмин-мусулмон ин-сон. Улар Чимкентдан Туркис-тон шахрига кетаверишда чама-си шаҳардан 8 километрча бе-ридаги қишлоққа яшайдилар. Бу ҳақда Умар ака шундай ҳикоя қилади:

Учтами-тўртта троссни ечиб олгунимча қора терга ботдим. Кейингисини олаётганимда ми-нора ортидан нур тушгандай бўлди. Қизиқ, бу атрофда, бу баландликда биронта электр чирогои йўқ эди, бунинг устига ой ҳам ҳали чиқмаган. Нима бўлди бу?!

Ана шундагина мен қилиб қўйган гуноҳимни бутун даҳ-шати билан ҳис этдим. Мен бобокалоним руҳига хиёнат қилган эдим. Чунки, Яссавий ҳазратлари бизнинг шажара-мизда бор эди-да... Миям соатдай аниқ ишла-ди. Фақат танам ўлик. Шифо-корлар юз фоиз фалаж бўлганлигимни тасдиқлаш-ди...

«Тракторчи эдим. Ёшим ўттиз-ларда, арок, қимизни сувдай симириб юрган кезларим. Бир кун нима бўлди-ю, машина тортишда ишлатиладиган сим тресс жуда зарур бўлиб қолди. Шўро даври бўлишга кара-май яқинимиздаги Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг мақба-раси қисман таъмирланаётган эди. Шу мақбаранинг минора-сига тортилган узун-узун қалин сим троссларни кўрганим ёдимга тушиб қолди. Шўро мафқураси тарбиясини олганмиз. Менга ўхшаганлар учун ҳеч қандай муқаддас нар-са йўқ. Дарҳол бир ўрис йигит-га яримта қўйиб мен билан тресс ўғирлашга боришга кўндирдим. Тракторга тележка улаб кечки пайт йўлга тушдик. Биз борганда Яссавий зиёрат-гоҳининг қоровули ҳам, бош-қаси ҳам йўқ экан (бўлмаган-дир ҳам). Самога юлдузлар чиққанда

Нималигини билиш учун эги-нилик қарадим. Қарадим-у, қотиб қолдим. Минора ортидаги ул-кан девор устида оппоқ кийим-даги нуроний отахон менга тикилиб турарди. Атрофига оп-поқ майин нур таратаётган бир мўйсафид менга бир оғиз бу нима демади. Фақат индамай-гина қараб турарди, холос. Кўрқиб кетдим. Калима қай-тардим (яخشиям отамнинг шуни эўрлаб ўргатгани). Сал ўзимга келиб зудлик билан паства ту-дим. Ўрис йигит алақакан троссларни тележкага юкляб қўйган экан. Унинг "қач" тоғида, чўс тобой"лариға қарамасдан те-лежкага чиқиб, у ердаги тросс-ларни ерга улоқтирдим. "Ўтир" дедими тракторни ҳайдаб уйга кетдим. Йўл бўйи "миқ" этма-дим. Кўз олдимда ҳалиги мўйсафид - шайхул-машойих Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратла-рининг сиймоси гавдаланарди.

«Ёллоҳим, ё пайғамбари-миз Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам, ё Яссавий бобом, мени ўзинг кечир!..» Қирқинчи кун тилим, эрта-сига қўлим ишлади. Ҳафта-ўн кунларда соғайиб кетдим. Бо-бомнинг кечиргани рост бўлсин...

Умар аканинг ҳикоясини тинглаётгану, ҳаёлимга шоир-нинг ушбу сатрлари келади: **Заминга аёфинг** оҳиста қўйгил, **Оёфинг бағрига** оғриқли ботар. **Муборак бу замин** ҳар қаричида, **Азиз авлиёлар** хоклари ётар. **Обид СҮФИХОНОВ**

Қора терга ботиб уйга етиб келдим. Келдим, йиқилдим... Эрталаб ўзимга келганимда кўз соққаларимдан бошқа би-ронта аъзоим ишламасди. На кўл, на оёқ, на тил... Қизиқ, ана шунда билдим шол бўлиш қана-қалигини... Одамнинг фақат қўлигина шол бўлмас экан, хо-лос... Уйдагилар даҳшатга тушиб

Умар аканинг ҳикоясини тинглаётгану, ҳаёлимга шоир-нинг ушбу сатрлари келади: **Заминга аёфинг** оҳиста қўйгил, **Оёфинг бағрига** оғриқли ботар. **Муборак бу замин** ҳар қаричида, **Азиз авлиёлар** хоклари ётар. **Обид СҮФИХОНОВ**

Халқимизда "Тенг тенги билан, тезак қопи билан", деган мақол бор. Сизни тушунаман, сиз севибсиз, лекин у қиз ҳам сизни чин дилдан севганимкин. Агар севган бўлса, сиз уни нега синаб кўрмадингиз?

Сизга ачинганимдан айтишим керакки, Маликанинг онаси калта ўйлайдиган аёл экан. Нега энди қизини оддий, тушунган оилага эмас, балки бой оилага узатаман, деган. Албатта ҳеч ким бойбадавлат бўлиб дунёга келмайди. Ҳаммамиз ҳам дунёга қуруқ қўл билан келиб, қуруқ қўл билан кетамиз. Ҳаётда фақат бойвачча бўлиб яшаб, бировлар дардига ҳамдард бўлолмаса, улар аҳволни тушунамаса, меҳрибонлик қилолмаса - бу ҳаётми, бу яшашми? Бундайин боқибегам инсонлар ҳеч қачон жамиятимизда обрў-этибор топа олмайдилар.

Биринчидан, бу воқеаларнинг сабабчиси ўша қиз. Иккинчидан эса, сиз ҳам айбдорсиз. Ўшанда сиз ҳам куёвтура бўлмиш йигитнинг ёнига бориб севганингизни ва севилганингизни айтганингизда, балки у сизни тушунармиди. Лекин сиз бу ишни бошидан хом қилгансиз. Ҳай, майли, ўша қизни онаси сизни тушунабди. Нега сиз ўшанда бирон каттароқ кишидан маслаҳат олмадингиз? Улар сизга йўл-йўриқ кўрсатишармиди ёки катталар ўзлари гаплашиб кўришармиди. "Сизни севаман - мен ҳам сизни севаман", деган билан иш битмайди-да, дўстим. Севганинг не не азоблари бор, ўз синовлари бор. Лекин мен сизга шуни очик айтишим мумкинки, у қиз сизни севаган, унда фақатгина ҳавас бўлган, холос.

Бу ҳаётда яшаб кўриб келаётимиз - қанчадан-қанча Фарҳод ва Ширинлар аввалига севдим, ўлдим, куйдим деб

турмуш қуришадими-ю, лекин ҳаётнинг паст-баландликлари борлигини эътиборга олишмайди. Кейин бир-бирларини тушунамай қолишадими ва ажраллишгача боришади. Ана энди савол туғилади: Қани уларнинг оташин севгиси? Қани энди уларнинг бир-бирига бўлган ишончи? Қани энди улар орасидаги меҳроқибат?

Кўп севишганлар ҳаётни енгил тасаввур қилишади, ҳар доим шундай севиб, учрашиб кулиб юрамиз деб ўйлашади, кўзлари кўр бўлиб, ҳеч нарсага кўрмай, ҳеч кимнинг гапини эшитмай қолишади. Аслида ҳаёт унақа эмас. Ҳаммаси тўйдан кейин бошланади. Нима бўлганда ҳам,

бўлинг эди. Албатта савобли иш билан, масалан: ўз касбингиз устида кўпроқ ишлаб, кечга уйга бориб уйдагилар кўнглини олиб сўхбатлашсангиз, уни ўйлашга ҳам вақтингиз бўлмасди. Сиз албатта сабрли бўлишингиз керак.

**Оллоҳ яраққан нури дилингда, Тинчлик, хотиржамлик, ҳам кенглик тилай, Сабрли умрингга ҳар тонг Тангримдан Юқсак куёвдайин**


порлоқ бахт сўрай. Сиз онангиз айтган қизга ўиланинг. Агар севгилингизни унутолмайман десангиз, у сиз турган шаҳарда яшаса, бошқа бир жойга кўчиб кетиб яшанг. Албатта сиз уни унутасиз, деган умиддаман.

Албатта сиз бир гўзал билан турмуш қурганингиздан кейин, уни ҳам куйдиришингиз керак эмас. Умрингизнинг охиригача у билан бирга бўлинг, дейман. Турмуш қуриб қизчалик бўлсангиз, балки уни исмини Маликаҳон қўйиб қизингизни эркалатиб ўтмишдаги севгингизни эслаб, ўзингизни юпатиб юрарсиз.

Энди жўрангиз Маҳмуджонга келсак, сиз жаҳл устида у билан талашиб қолгансиз. Энди эса ақлини таниб олдингизга бош эгиб, кечирим сўраб келган. Сиз албатта ўртоғингизни кечиршингиз керак.

Тезроқ энди тўйни бошланг, жўраларингизни хизматга чакиринг. Балки бизларини ҳам тўйга таклиф қилиб қоларсиз. Насиб бўлса ҳаётда энг, энг бахтли, энг толеъли киши сиз бўласиз.

**Шаҳноза МЕЙЛИЕВА**  
Кашқадарё вилояти,  
Ғузур тумани



«Дўстимдан ҳам, севган қизимдан ҳам айрилдим» — 26-сон

## МЕН СИЗГА ИШОНАМАН

ҳар қандай шароитда ҳам одам ўзини қўлга олиши керак.

"Кўнглим фақат Маликада", - дебсиз. Кўнглига қараб иш тутсангиз, кўнгли кургур нималарни хоҳламайди? Шунинг учун ҳаммиша ҳам кўнглига эрк бермай, ақл билан иш юритиш лозим деб ўйлайман. Лекин "Тенг тенги билан...", деган мақолга келсак, мен демокманки, сиз бўйи етган йигитсиз, Маликаҳон эса турмуш қурган аёл... Энди Маликаҳоннинг тенги оила кўрган кишилар. У: "Олдимга келманг", - деб тўғри айтган. Агар Малика ақлли аёл бўлса, ҳеч қачон бўй йигитга турмушга чиқмайди.

Беҳзоджон, сиз иродали йигит экансиз. Шунча вақт чидаб, юрагингизда ўз севгингизни асраб келибсиз. Бунақа йигитларга тан берсанг арзийди. Лекин сиз ўша севгилингиз тўй бўлганидан бошлаб, уни унуттишингиз керак эди. Сиз ҳам бошқа бир қизга кўнгли қўйишингиз керак эди, ёки бирон бир иш билан машғул

**ЭСЛАТМА: Маҳмуд исмли дўстим билан ёшлиқдан бир кўчада ўсдик. Мактабда ўқиб юриб Малика исмли қизни иккимиз ҳам севиб қолдик. У очикчасига, мен эса пинҳона. Малика бир кунни кўнгли менда эканлигини изҳор қилди. Маҳмуд буни билиб қолиб уришди, иккимиз юз кўрмас бўлиб кетдик. Маликани эса мактабни тугатгач бошқа йигитга узатиб юборишди. Мен дўстсиз, севгилимсиз қолдим...**

**БЕҲЗОД**



## ЙИҒЛАМОҚ ЯРАШМАС ЙИГИТ КИШИГА

Шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайман. Ширингина ўғилчам, вафодор эрим бор. Рўзгоримдан нолимайман. Мен Беҳзоджонга куйдагиларни айтмоқчиман: Беҳзоджон, сиз ҳеч вақт тушқунликка тушманг. Ҳаётда дадилроқ, оқилроқ бўлсангиз албатта галаба, марра сизники бўлади. Ота-онангиз ҳамма катори келин тушириб орзу-ниятларимга етай, дейдилар.

Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, лекин уни жиловланг ўз қўлингизда.

Ҳар ким ўз тақдирини ўз меҳнати, саҳийлиги, инсонийлиги, назоқати билан яратади. Яшаш учун курашиш керак. Ўзингизга ишонсангиз, бир

кун келиб бахтдан куйган қизни иккинчи бор ғурурини поймол қилиб, бахтига зомин бўлмайи десангиз севгингиз учун курашинг.

**Дўстим ишон, ёмон куннинг яхшиси бор Дўстим ишон, қишдан кейин баҳор бор.**

**Кўкрагингни баланд тут, кўзларингни оч Йиғламоқ ярашмас**

**йигит кишига. Тақдиринг қўлингизда - у учун ҳар он Курашмоқ даркор, азизим Беҳзод. Гулхумор ШАРИПОВА**

**Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Усмон Юсупов ж/х.**

## ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИ

Ҳурматли Беҳзоджон ака! Минг пушаймон билан олдингизга келган дўстингизни кечирмай бекор қилибсиз.

Маликанинг эса олдида борманг. Чунки сизни кўриб яралари янгилашиши мумкин.

Бошқа қиз билан яшашга кўзим етмаяпти, дегансиз. Нега ахир! Ота-онангиз орзу умидларини сўндирмасдан улар айтган қиз билан учрашиб кўринг. Агар сизга ёқмаса, мажбурлашмаса керак. Балки бошқаси ёқиб қолар. Икки ўтнинг орасидан чиқиб кетиш йўли шу. Бахт сизга ҳам, Маликага ҳам, Маҳмудга ҳам ёр бўлсин!

**Барно АҲМЕДОВА,**  
Тошкент юридик коллежи талабаси

## ЭЙ КУЁВ, ҚЎШНИЛАР КУЛМАСИН ДЕСАНГ...

Беҳзод, кўзингизни каттароқ очинг, қулоғингиз билан яхшилаб эшитинг. Йигит кишига бир қизни деб шунчалик оҳ-воҳ чекиб, соғлигидан ажраб, йиғлаш ярашмайди. Ўзингизни тутинг, Маликани унутинг. У сизга тўғри келмайди. Энди 21 га кирибсиз, ҳали ҳаётингиз олдинда, қадамингизда қиз бола. Корейларнинг: "Ичган арогинг бир кун қийнар, тор этинг бир йил қийнар, хотининг ёмон бўлса умр бўйи азоб тортасан", - деган мақоли бор. Агар Маликага ўйлансангиз унинг ёмонлигидан эмас, балки сизгача ўзга билан турмуш қурганидан умр бўйи руҳан азоб чекасиз. Дўстларингиз, тенгдошларингиз даврасида бир умр тилингиз қисқиб бўлади. Шоир айтдики:

**Дарахт баргин йўқотса агар, Топиб олар келганда баҳор. Инсон дўстин йўқотса агар, Топа олармикин келганда баҳор.**

Ёшлиқдаги дўстлик беғубор ва самимий бўлади. Инсон кечиримли бўлиши керак. Дўстингиз Маҳмудни кечиринг, узр сўраб ярашинг. Узилган дўстлик ипини янада маҳкамроқ уланг. Ота-онангизни ҳеч қачон норизо қилманг. Улар сизга ёмонликни раво қўришмайди. Атрофга боқинг. Қанчадан-қанча онаси ўпмаган, сочи силанмаган ўзбек қизлари бор. Шулардан бирини танланг. Зеро, донолар ҳам айтиб кетмишлар:

**Эй куёв, қўшнилар кулмасин десанг, Келинни қиз бола олгин сен билсанг.**

**Хошим ОРЗИҚУЛОВ**

**Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Мусоқоқ қишлоғи**

## ТУНИ БИЛАН ТИНМАДИ ЁМҒИР

Таклифноманг бериб қўлимга Бошинг эгиб тўйга бор дединг. Айт қандайин бораёй тўйингга Қалбим мулки сен ўзинг эдинг.

Кўлда қоғоз сўзларинг тинглаб Мен жилмайдим ёнингда беун. "Табрикладим", мен-чи инсофсиз - "Сен-чи" боқдинг юзимга дил хун.

Дединг инсоф борми, айт қани Ниятингни билолмай қолдим. Шунча қийнаб, ишқингда мени Ҳижронингда қанчалар ёқдинг.

Сен-чи ҳатто қайрилиб боқмай Барваросан ўтиб кетасан. Куйган қалбим қайтадан ёқмай "Табриклаيمان", дебон нетасан?

Илтмосим сендан шу фақат Тўйимга бор, қутамаман сени. Йўқса қолмас қалбимда тоқат Сўнг муроддан айирма мени.

Сени дея хониш қиламан Номинг такрор қўшиқларимда. Қизгинамга исминг қўяман Райҳон ухлар бешиқларимда.

Хонишимни тинглаган ғунча Дардим сигмай қолар очилиб. Нолам тинглаб қушлар ҳам шунча Фигон қилар менга қўшилиб.

Дея кетдинг қайрилиб ортта «Фигон дединг», «Фигон қиламан». Муҳаббатинг қалбимда сақлаб Тахаллусим «Фигон» қўяман.

Оҳ, тўйингга бормоқчи бўлиб Дугоналар йўлга отланди. Менчи эса ёниб ўртаниб Қолдим, юрак бетоқатланди.

Кунни, тунни ўтказдим қандай? Билолмадим, билолмам сира. Болишимга кўз ёш ичказдим Дилда ишқинг қолди боқира.

Кўк юзини булут қоплади Сенинг тўйинг бўлган ўшал кун. Билсанг қора либосим кийдим Кўз ёш тўкиб, бағрим қилдим хун.

Сайроқ қушлар жимиб қолдилар Мунғайдилар менга тикилиб. Кўк юзида булутлар хатто Кўз ёш тўқди, менга қўшилиб.

Туни билан тинмади ёмғир Булут кўз ёш тўқди-ку сим-сим. У маҳзун кун қанчалар оғир - Қалбимда дард, мен эса жим-жим.

Мен ўшанда билдим илк бора Мағрурлик ҳам оғир дард экан. Ғурурингни енгиб бир бора Севаман де, севдим де экан!

Ҳижронларда ёниб ўртаниб Хануз ишқинг билан яшайман! Аллоҳимдан сен учун фақат Соғлик, бахт ва омад сўрайман.

**ФИФОНА**

**Кашқадарё вилояти, Қамаш тумани**

**Хурматли адажонимиз МАХМУДЖОН!**



Сизни кутлаш 56 ёшиниз билан кутлаётимиз. Яратилган сизга узок умр, соғлиқ, бахт-саодат ва онажонимиз билан бирга узок йиллар оиламиз кўфки бўлиб юртингизин тилаётимиз.

Саодат, Сайёра, Рихсибой, Дилфуза, Дилноза ва невараларингиз

**Ҳамкасбимиз Умидаҳон ва Шўхратжон МИРСОЛИЕВ!**



Сизларни оилавий турмушинингизнинг бир қилғини ва фарзанд кўнрагинингиз билан кутлаётимиз.

**24-мактаб ўқувчиларининг ота-оналари номидан:**  
Рустам Мусурмон, Назира Тошева, Феруза Ганиева, Барно Маҳқамова

**“КАМОЛОТ-КОМПYTER” БИЗНЕС МАКТАБИ**  
Куйидаги ўқув курсларига тақлиф қилади.

INTERNETга ўқитиш.  
**Икки ойлик курсларга:**  
Замонавий бухгалтерия ҳисоби;  
Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS 2000, MS OFFICE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дастурлаш тиллари.

Уч ойлик курсларга:  
Ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

**Тел: 58-48-50, 41-33-96**

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.  
**Манзилимиз:** Тошкент. Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКИНГ ёнида.)

Тез ва осон бичиш, ўлчовсиз тикишни ўргатаман ҳамда парда, пакриваллар буйича бюуртма қабул қилиб, қисқа муддатда ўргатаман.  
**Тел: 133-71-48, кечқурун 46-54-72**

**Аазиз Баҳром МУҲАММАД-КАРИМОВ!**



Муваффақиятнинг муборак! Сиз билан, узок умр кўрини.

**Оила аъзоларингиз**

**ОИЛА-37**

58 ёшли, олий маълумотли, ишлайдиган, икки ўғли, машинаси, ҳовли ва томорқаси бор, тикув, кир ювдиган машина ва оила учун зарур жиҳозлари бўлган эркак 40-55 ёшдаги уйим, жойим, болам, эрим дейдиган, боласи бўлмаган, тошкентлик ё Тошкент атрофида истиқомат қиладиган ўзбек ёки қозоқ аёл билан оила қурмоқчи.

**СИРЛИ ДУНЁДА СИРЛИ ЖУМБОҚЛАР КҮП**

1996 йилнинг айна ёз палласи, онам раҳматли ҳаёт эдилар. Сўрида бомдод намози ўқийтгандилар. Мен иккинчи фарзандимга ой-куним яқин қолган кунлар эди. Ховлига сув селиб, супуриш учун кўлимда челақ ва супурги билан ташқарига чиқиб кетаётганимагина онам томонга қарадим. Қарасам, узунлиги 1,5 - 2 метрлар чамаси келадиган, катталиги икки бармоқ энлигида, ер рангига ўхшаш оч жигарранг тусли илон онам томонга қараб судралиб кетаётганди. Жуда ҳам кўрқиб кетдим. «Ая, илон!», - дея бақириб юбордим. Кўлимдаги супурги билан илонни уриб ўлдириш учун баланд кўтардим, аям эса бошини сараклатиб, «йўқ, тегма!», дегандек ишора қилдилар. Турган жойимда қотиб қолгандек илонга тикилиб турардим. Онам эса намозни ўқиб, юзларига фотиҳа тортидилар. Икки томонга салом бергач, илонга юзланиб: «Ассалому алайкум, Оллоҳни изми билан ортингга қайт, сенга ёмон-

лигим йўқ, менга ҳам, фарзандларимга ҳам зиён етказма», - дедилар. Шу пайт онамнинг оёқлари ёнидаги илон ортига аста ўгирилди-ю, сўрини чети билан ташқарига чиқиб кетди. Онам раҳматли бўлам, илон уйдан безовта бўлиб чиқибди, қалдирғочлар ҳам пастлаб учаяпти, шамол бўлиб, ёмғир ёғди шекилли», - дедилар. Ростдан ҳам пешиндан сўнг шамол бўлиб, кетидан ёмғир ёғди. Эртаси кун эса чой ичиб бўлгач, дастурхонни йиғиштираётсам, қалдирғоч келиб қанотлари билан қорнимга тегиб, силкиниб учиб кетди.

Онам эса: «Болам, бугун кўзинг ёриди шекилли», - дедилар. Мен кулиб кўйдим. Ўша кун 24 июн, душанба эди, иккинчи ўғлим дунёга келди.

Дарҳақиқат, сирли дунёда сирли, биз англаб етмаган воқеалар, жумбоқлар нақадар кўп...

**Машхура ИСХОҚОВА**

**Ажойиб-гаройиб**

**СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**

**2-САВОЛ: Ўғлим касалликдан вафот этди. Икки фарзанди - бир ўғил ва бир қизи бизга ёдгорлик бўлиб қолди. Келиним боланинг маъракаларини ўтказиб бўлганимиздан сўнг, невараларимни олиб ота-онасиникига кетиб қолди. Эндиликда невараларимизни биз чолу-кампирага кўрсатмай қўйди. Нима қилсак невараларимиз билан кўришиб тураемиз. Ёрдям беринглар.**

**Р. ЖАМИЛОВА**  
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Нигора кўчаси, 33-уй.

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 77-моддасида бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг бола билан кўришиб туриш ҳуқуқи ҳақида шундай дейилган:  
«Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга.

Ота-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига имконият бермасалар, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин.

Агар ота-она (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўқсинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низоли ҳал қилади.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор ота (она)га нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади».

**Лола АҲМЕДОВА,**  
хатлар бўлими мудири

**КҮП УХЛАШ ГУНОҲ ЭКАН**

Бир кун илҳимни жуда толиққандек ҳис қилдим ва эрта уйкуга ётдим. Туш кўрдим. Аллақандай масжидга бориб қолибман. Кўрқа-писа ичкарига кирдим. Ҳар бир хонани бир-бир айланиб чиқдим. Энг охири хонанинг эшигини очганини биламан тўсатдан қаршимда бўйлари баланд, оппоқ кийинган аёл пайдо бўлди. Менга жилмайиб қараб турди-ю, тўсатдан қиёфаси ўзгарди. Аёл бир кўришдаёқ қандайлигимни, ичимдаги сирларимни билиб олганини ҳис қилдим. Аёл: «Гуноҳга ботма қизим!», - деб сўз бошлади-да, нималарнидур насихат қилди, лекин нималар де-

гани аниқ эсимда йўқ. Чўчиб уйғониб кетдим. Шунда аллақачон куёш чиқиб, кун ёйилиб кетганини кўриб, тушимни эсладим. Шунда жуда кўп ухлаганимни, эрталабки насибадан ва фақат эрта тонгдагина туйиш мумкин бўлган субҳидам кўёшининг гўзаллигию, мусаффо ҳавосидан роҳатланишдан бебаҳра қолганимни ҳис этиб ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Энди ҳар кун бирвақт уйқудан уйғонишни одат қиламан деб ўзимга сўз бердим ва ҳаётнинг жўшқин кўйинига шўнғидим.

**Шахло ТҮЛАГАНОВА**

**“САНАМ СЕРВИС” ўқув маркази ўқувчиларни куйидаги ўқув курсига тақлиф этади:**

1. Бичиб-тикиш - 4 ой
2. Юмшоқ ўйинчоқлар тикиш - 3 ой
3. Замонавий усулларда “Элита” парда, чойшаб ва бежирим ёстиқлар тикиш, ўй безатиш - 3 ой
4. Фантазияли гул безаклар ясаш - 2 ой
5. Торт, салатлар (келин-кўёв ифодаланган торт пишириш) - 3 ой
6. Ҳамширалик (амалиёт билан) - 3 ой
7. Массаж (умумий) - 2 ой
8. Инглиз тили (бошлангич ва давом эттирувчилар учун) - 3 ой
9. Радио-техника - 3 ой
10. Компьютер - 3 ой
11. Косметология - 2 ой
12. Бухгалтерия - 3 ой

**1-МАНЗИЛ: Себзор даҳаси, 310-мактабининг 1-қавати.**  
Мурожаат учун телефонлар: 40-20-59 соат 16.00 дан 22.00 гача  
**2-МАНЗИЛ: Глинка 11, ИнтерАзия биноси, 4-қават, 402-хона.**  
**МУЎЖАЛ: Педагогика институти ёнида, Бобур боғи ва гул бозори қаршида. Тел: 54-98-57**  
Лицензия: №05-3850

**“ЎКТАМХОН” ўқув маркази ўқишга тақлиф этади**

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортик замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўрганасиз.
2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулоти ўтिलाди.
3. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан).

Ўқишни тугатганларга диплом берилади.  
**Манзилимиз:** Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин).

**“Раъно” ўқув маскани куйидаги курсларга сизларни ўқишга тақлиф этади ва уларнинг нозик сирларини ўргатади:**

1. Торт, пишириш, салатлар тайёрлаш - 1,5 ой.
2. Замонавий парда, чойшаблар тикиш - 1 ой.

**Манзилимиз:** Метронинг Фағур Гулом бекати, 1-уй, 6-қават, 44-хона. «Ганга» магазини қаршидаги 12 қаватли бино.)  
Тел: 162-67-86, 46-95-96, 46-75-62.

**Озиш, семириш, ажин, қабзият, хуснбузарлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз. Телефон: 74-71-29.**

**Касалликларни янги, юқори сифатли, кафолатланган, 100 фоиз табиий (Франция) маҳсулотлар билан даволаш усулини тақлиф этамиз.**

- қандли диабет, бўқоқ;
- уйқусизлик, асаб, камқувватлик, невроз;
- эркалар муаммолари: простатит;
- жинсий ожизлик, бепуштлиқ, аденома;
- аёллар муаммолари, мастопатия, миома, киста;
- болаларни ўсишдан ортада қолиши;
- тез-тез касалликларга чалиниши;
- жигар хасталиқлари;
- аллергия, вителиги, псориаз;
- ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси, колит.

**Тел: 144-41-57**

Тутқаноқ, руҳий касаллик, гиёҳвандлик, дудукланиш, уйқусизлик, омадсизлик ва бошқа турли ҳолат, касалликлардан фориг бўлишни истайдиганларни даволайман. **Тел: 64-02-16**

**“ХОЛИС-УМИД” ФИРМАСИ замонавий касб-хунар курсларига тақлиф этади:**

**Компьютер саводхонлик курслари:** - Windows-2000 стандарт программалари; - WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word2000, Microsoft Excel2000, Ms-dos, NC.

- Массажистика (амалиёт билан)  
- 2 ой. - Аёллар костюм пальтоси - 3 ой. - Эркалар костюм шими - 2 ой. - Косметология (амалиёт билан) - 2 ой.

- Ҳамширалик (амалиёт билан) - 3 ой. - Сартарошлик (амалиёт билан) - 3 ой. - Бичиш-тикиш (келинларнинг замонавий либослари) - 3 ой.  
- Парда, пакривал (замонавий Элита усулида).  
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида) - 3 ой.  
- Торт ва салат (оддий ва олий курс) - 3 ой.  
- Ақушерлик (амалиёт билан) - 6 ой.

**ДИҚКАТ!** Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машғулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1 уй, 5-6 йўлақлар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52

**8-МАРТ САНАТОРИЯСИ ДАРДИНГИЗГА ДАВО БАҒИШЛАЙДИ:**

Бу ерда аёллар, ва эркаларда учрайдиган жинсий хасталиқлар тажрибали врачлар томонидан текширилиб сўнг даволанади:

- Жинсий аъзоларда учраб турайдиган оғир хасталиқлар; - Организмда учрайдиган шамоллашнинг оғир турлари;
- Бегуштлиқ; - Бефарзанд аёллардаги барча кўринишдаги хасталиқлар ҳамда эркаларда учрайдиган турли жинсий касалликлар даволанади. Санаториянинг ҳар бир даволаш хонаси замонавий тиббий компьютер аппаратлари билан жиҳозланган. Шунингдек, даво муолажалари лазер, магнит, балчик, ультрабинафа ша нурлари, массаж ва руҳий чинқириш йўллари билан олиб борилади.

**Манзил:** Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Чайковский кўчаси, 98-уй, 8-март санаторияси. Мўлжал: Шаҳар тугруқхонаси орқасида. Тел: 8-271 (код) 2-56-09.

**«Оила ва жамият» уғитномаси**

Гар иймон нуридан юраги селоб,  
Сўқмоқнинг кўнглида порлайди офтоб.  
Дунёда китоб кўп баридан улўғ -  
Тангрининг каломи ул буюк китоб.

Ақли идрок ила яшаса ҳар кас,  
Муродга етгайдир бўлмаса нокас.  
Яшининг ҳеч кимга зарари тегмас -  
Шул боис номардга ҳеч бўйин эммас.  
**Исматулло ЙҮЛДОШЕВ**

Эшим 31 да. Дардимни кимга айтишни, кимдан маслаҳат сўрашни билмай, сенга дардимни тўқяпман, севимли газетам. Мен 1991 йилда турмушга чиқдим. Эримнинг касби «отарчи», тўйма-тўй юриб пул топади. Бошқа ҳеч нарсага қизикмайди. Уй-рўзгордаги ер чопиш, сув қуйиш, бозорга бориш деган юмушлардан эрим маҳрум. Мен тушган уйда қайнона-қайнотам, қайнакам хотини билан туришарди. Қайнотам «ичкүёв» бўлиб келган экан, қайнонамнинг онаси ҳам биз билан яшарди. Қайнонам эри билан «эр-хотин»

овсинимга) гапирмай, минг турли тухматларни аралаштириб маҳаллага дув-дув тарқатарди. Мен: «Эрим яхши бўлса бўлди», -деб юравердим. Охири қайнонам билан овсиним муштлашиш даражасига етиб боришди. Овсиним «дом» олиб чиқиб кетди. Уйда мен, эрим, қайнонам ва қайнонамнинг онаси билан қолдик. Қайнонам энди мени гапира бошлади. Мен кулоқ солмай юравердим, лекин «Итни урсанг - вовуллайди», деган гап бор.

деб ёмонлайверди. Эрим ҳам энди ичкиликка берилиб, тўполон-жанжал қиладиган, урадиган бўлди. Иккита ўғилчанми бағримга босиб зор-зор йиғлардим. Қайнонам энди мени қайнотам, овсиним яшаган икки хонали уйда чиқариб қўйди. Қозоним алоҳида бўлди. Қайнонам эрим билан 7 хонали уйда яшашди. Қайнонам эримга: «Ажраб кет хотинингдан, болаларингни ўйлама, ит ҳам, чўчка ҳам туғади, сенга ёш қиз олиб бераман», -деб гапирарди. Эрим индамас-

майман. Маҳаллада бошимни кўтариб юрولмайман, худди одамлар менга бармоғини кўрсатиб тургандай бўлади. Қайнонамнинг: «Сен ўлсанг, мен ҳам кўтуламан, ўғлим ҳам сендан кутулади», - деган гапи сочмни тикка қилиб юборди. «Жалх чикса, ақл кетади» деганларидек, мен бир варакайига бир нечта дорини ичиб юбордим. Шифокорлар мени ўлимдан сақлаб қолишди. Эрим ҳам жуда кўрқиб кетди, елиб-югурди. Касалхонадан чиққанымдан сўнг қайнонам ўлганга: «Ё онам дейсан, ё хотиним дейсан», - деб туриб олди. Эрим индамади. Ойиси

# АГАР МЕН ҚАЙНОНА БЎЛСАМ...

бўлиб яшамасди, қайнотамни ҳовлимиздаги алоҳида икки хонали уйга чиқариб қўйган эди. Қайнотам менга жуда меҳрибон, «қизим» деб чақирарди. Қайнонам эри учун овқат ҳам қилмас, кирларини ювмасди. Қайнотам эса ичкиликка берилган эди. Лекин ичган пайтида ҳам менга қаттиқ гапирмасди. Бир коса овқат олиб чиқиб берардим, кир-чирини ювардим. Эрим билан севишиб турмуш кургандик. Дадам эрга чиқаётганимда: «Дадаси ичади, қувёв ҳам ичкиликка берилса қийналмайсанми», -деганда, мен: «Йўқ, қувёвнинг ичмайди», дегандим.

Бир куни қайнонамнинг хонасини йиғиштириб чиқдим. «Минг сўмим бор эди, халтада эди, хотининг ўғри», -деб эримга гапирди. Эрим бу ҳақда мендан сўраганида, «Олганим йўқ, қасам ичаман», -дедим. Эрим менга ишонди.

ди, лекин ичиб келганда: «Ажрашман, йўқол бу ердан», -деб бақирарди. Сабр косам тўлди, тўғри бориб қайнонамга: «Сизнинг ниятингиз, мақсадингиз нима, мендан нима истайсиз, ўғрига ҳам чиқардингиз, нима сизга керак ўзи», -дедим.

Кеч оқшом эди, қайнонам ҳовлига чиқиб: «Вой-дод, келиним мени урди, менга қўл кўтарди», -деб кўни-кўшинларни чақирди. Маст эрим ҳам онасининг гапига ишониб менга ташланди. Қайнотамнинг бор, Сирдарёга тушган. Биз яшаётган уйни қайнонам ўша қизига васиятнома қилиб қолдирибди. Бўлди етар, ажрашман дейман. У, болаларимни ўйлайман. Қандай хатоларга йўл қўйганман дея ўйлаб, излаб тополмайман. Ўзим ўқитувчиман. Бозорни ўзим қиламан, ерни ўзим чопиб, экинлар экардим. Сув, газ, чирок, телефон - ҳаммасига пулни ўзим тўлаб келяпман ҳалигача. Қайнонамга ҳамма нарсасини олиб берардим. Онамга олиб бермасам ҳам, қайнонамга ҳар ойлигимдан пайпоқ, рўмол олиб берардим. Қаерда хато қилиб қўйдим, қайси гуноҳларим учун бу қадар қийноқда яшаяпман, сира тушуниб етол-

Икки кундан кейин пул топилди. Лекин бу тухмат маҳаллага тарқалиб бўлган эди. Қайнонам ҳамма эшитчиларга: «Келинимдан кечирим сўрадим, бошқа халтага қўйган эканман», -деб чиқди. Лекин менга «пулим топилди» ҳам демади, кечирим ҳам сўрагани йўқ эди. «Худонинг ўзи кечирсин уни, эрим мени тушунса бўлди», -деб индамай юравердим.

1998 йилда қайнонамнинг онаси қазо қилдилар. Уйимиз жанжалхонага айланди. «Онамини сен ўлдирдинг», -деб қайнонам ҳар куни маша қиладиган бўлди. Туғилган кунимга ўзимнинг акаларим, укаларим, кенноғиларим келишди. Қайнонамга бу ҳам ёқмади. «Сенинг қариндошларинг менинг уйимга қадам босмасин», -деб чиқди. Индамадим. Нима дей, бир нарса айтсам, бутун маҳаллага айтилган сўзларимни қўшиб-чатиб айтиб чиқади. Эримга: «Хотининг ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ»

Худодан қайнонамга инсоф беришини, мендан эса сабр-тоқатни аямаслигини сўраб қоламан.

### ЗИЙНАТ

Тошкент вилояти

**ТАХРИРИЯТДАН:** Бу дил изҳорини ўқиркан, кўнглидан беихтиёр «Ақл ёшда эмас, бошда», деган нақл ўтади, шундай эмасми, азиз газетхон... «Ақлни ақлсиздан ўрган», деган нақл ҳам бор халқимизда. Шундай экан, бу воқеадан ўзингиз хулоса чиқарсиз ва фикр-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборасиз, деб кутиб қоламиз...

Қайнотам қазо қилганларидан сўнг уйимизда жанжал бўладиган бўлди. Қайнонам овсинимни менга ёмонлайверарди, ишларидан камчилик топаверарди. Шунинг оқибатида, қайнакам ичкиликка берилди. Қайнонам билан овсинимнинг жанжали бир-бирини юлишадиган даражага етди. Қайнонам овсинимни қайнотам турган икки хонали уйга алоҳида чиқариб қўйди. Мен бу жанжалларга мутлақо аралашмасдим. Орқаворотдан гапирладиган сўзларини ёқтирмасдим. Қайнонам камчиликларимизни, хатоларимизни юзимизга (мен билан

## ДИЛ ИЗҲОРИ

# СЕН ШИРИНИНГ ЭДИНГ, МЕН ЭСА ФАРҲОДИНГ...

Аваломбор биз ёшлар келажимизни ўйлаб иш юритишимиз керак. Нега деганда ўйламай қилинган ишнинг охири вой бўлишини билиб қўйишимиз керак. Шундай воқеа менинг ҳам бошимдан ўтган. Г. билан иккимиз ҳам бир қишлоқ фарзандимиз, бир синфда ўқидик, бир-биримизни худаям қаттиқ севардик. Севгимизга раҳна солганлар ҳам бўлди. Лекин иккимизнинг ўртамаздаги муносабатни буза олмадилар. Биз бир-биримизга ишонар эдик, ҳеч ажрашгимиз келмасди. Ҳамма бизга ҳавас қиларди. 1998 йили мактабнинг битирдик. Сўнги кўнгироқдан кейин ҳамма уй-уйига тарқади. Шу йил мен коллежга ўқишга кирдим. Лекин у ўқишга кира олмади. Шу ерда унинг отасига ям тўхтаб ўтай. Узи кўринишдан адаш одам, лекин йўлдан адашган десам тўғрироқ бўлади. Нимага деганда у наша чекади. Ниша кераги бор, дейман шу нарсанинг. Шу гапларни Г. га айта олмадим, дилини оғритгим келмасди. Ҳамиша унга ҳар томонлама ёрдам бериб юрардим. Мен ўқишга киргандан кейин, уйга ун-тўрт ойда бориб турардим. Борганда у билан учрашардим, у соғинганини, уйига совчилар келишадиганини, тезроқ совчи

юборишимни айттарди. Мен ҳам унга: «Агар мени севсанг ҳеч кимга турмушга чиқмайсан», -деб айттардим. У ҳам: «Сиздан бошқасига тегмайман», -дерди. Ҳатто қасам ҳам ичганди. Кунларнинг бирида унга бадавлат оиладан совчилар келишади. Қизнинг ота-онаси қувёвнинг қандай одамлигини сўраб-суриштирмай, бойлигини эшитиб-боқ совчиларга рози бўладилар. Мен ҳам шу кунларнинг бирида ўқишдан бир ҳафтага руҳсат олиб уйга бир иш билан қайтдим. Борсам, синфдош болаларнинг оғзида шу гап. Мен бу гапга ишонмадим. Ўзи билан гаплашмоқчи бўлдим. Лекин, у мен билан гаплашишни истамаслигини айтди. Хайрон бўлиб, ҳаёлим паришон ҳолда уйга қайтдим. Бошим қотиб қолди, нима қилишимни билмасдим, ўзимни қўярга жой топа олмадим. Энди уринганим билан фойдаси йўқ эди, фақат битта йўл бор эди. Агар шу ягона йўл билан унга эришсам, ота-онаминг юзига қарай олмадим, обрўйимга ҳам салбий таъсир қилишини билардим. Кундан маст қолма уйга келардим. Ўзимни ҳеч кимга керак эмасдек сезардим. Жонимга қасд қилишгача ҳам бордим, лекин Оллоҳ сақладики, омон қолдим. Қиш фасли эди, декабр ойида тўйи бўлиб ўтибди. У пайтда мен ўқишда эдим. Янги йилга

яқин уйга қайтдим. Синфдошлар йиғилишиб байрам кечасини ўтказдик. Даврада у ҳам бор эди. Шу куни кўнглимдаги бор гапни унга айтдим. Қолаверса, у турмуш ўртоғининг қандай йигит эканини билмас экан. У йигит героин истеъмол қиларди. Мен бу гапни Г.га олдинроқ айтсам бўларди, энди кеч. Ҳатто ҳозиргача афсусланманам. Яқинда 2001 йил 2 январ куни уни яна кўрдим. Аввалги хусндан, қадди-қоматдан асар ҳам қолмаган, уни кўриб эзилдиб кетдим. Турмушидан ноллиб яшаётгани, бахтсиз экани юзидан билиниб турар эди. Бир қизалоқнинг онаси экан. Турмуш ўртоғи ёмон йўлларга кириб кетибди. «Эх, Г. ўйланмай турмуш қуришинг нима кераги бор эди? Ахир келажакнинг, бўлажак фарзандларингнинг бахтини ўйламадингми», -деб айтгим келарди. Лекин айта олмадим. Чунки бўлар иш бўлган эди. Тақдирни ўзгартириб бўлмайди. Унинг бахтсиз эканлигини кўриб эзилдиб кетаман, қийналаман. Лекин қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Азиз юртдошларим. Сизнингча нима қилай, ерини тутиб олиб: «Шу заҳар-зақумни чекама, болаларинг, хотининг келажакини ўйла», -деб урайми. Уриш у ёқда турсин унга маслаҳат беришга ҳақим йўқлигини жуда яхши биламан. «Унақа қилма, ёмон бўлади, бунақа қил яхши бўлади», -деб айтган тақдирдам фойдаси йўқ. Чунки у

нарсани истеъмол қилдингми татом, охири ўлим билан тугайди. Бу ишнинг бошқа чораси йўқ. Мен бу сўзларим билан тенгдошларимга икки нарсани тушутирмоқчиман: Биринчиси, турмуш қуришга фақат аввало бир-бирингизни тушуниш, бир-бирингизнинг дунёқарашингизни билиб олинг. Ана ундан кейин ота-онанинг розилигини олиб турмуш қуриш. Аммо ҳозирги вақтда севишмайди. Йигит топиб келадими, ота-она совчиликка боради ёки биз томонларда қизни олиб қочиш деган нарса бор. Совчиликка боргандан кейин нима бўлади- йигит бадавлат бўлса розилик берилади. Қиз билан, унинг тақдирини билан ҳеч кимнинг иши йўқ- тамом тўй бўлади. Йигит билан қиз бир мартагина гаплашади, холос. Тўйдан кейин тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар бошланади. Натижада ажралиш... Гуноҳдор ота-она бир ёш оиланинг бошига сув қуйгандай бўлиб қолишади, оҳ-воҳлар бошланади. Аввалроқ ўйлаш керак эди. Бу билан мен ҳаммамни гуноҳкор қилаётганим йўқ, лекин ҳаётда учраб туради шундай ота-оналар. Отахонлар ва онахонлар, фарзандларингизнинг аввало келажакини ўйлаб турмуш қуришига ёки турмушга қикишига розилик беринг, сизлардан илтимос...

Иккинчидан, биз ёшларга наша чекишинг нима кераги бор? Ахир ҳаётимизни, ўлигимизни хазонга айлантирадиган нарса ўша героин-ку. Биз шуларни билмаган ҳолда ёмон йўлга кириб кетамиз. Қолаверса, баъзи йигитларимиз чекиб юриб ўйланади. Бу билан биз нима қиламиз, ўз-ўзимизни бадном қилганимиз етмагандан ўн гулдан бир гули очилмаган қизнинг ҳаётини, қолаверса туғилмаж наслимизнинг бахту саводатини йўққа чиқарамиз. Шунинг учун дўстларим, сизлардан илтимос, чекманг, умрингизни хазон қиласиз. Менинг бошимга тушган кун сизларнинг бошингизга тушман. Бу дунёда ҳеч бир инсон севар ёрдан айрилмасин. \* \* \*

**Сизни севаман деб қасамлар ичдинг, Сизсиз ҳаёт йўқ, деб бўйнимдан кучдинг, Сен Шириним эдинг, мен эса Фарҳодинг, Дунёда эдим мен ошиқу зоринг. Ширин сўзлаб-сўзлаб аклимин олдинг, Майин кўзинг сузиб жонимни олдинг, Учрашувга чиқмай баҳона қилиб, Ўзга билан кетиб бағрим қон қилдинг. Ҳамон оҳ чекарман, ичарман тинмай, Ҳамон кўзимда ёш, кимлигим билмай, На севгим бор, на дўсту ёрим, Энди кимга айтай мен оху зорим.**

**Шавкатмирзо МАТНАЗАРОВ, Чимбой тумани**

**БОТИНКА ҲАҚИДА ҚЎЛЛАНМА**



- ботинка киядиган "қошиқ" билан овқат еб бўлмайди;  
 - ботинка чангга ботмаслиги ва уринмаслиги учун қўлтиққа қистириб юриш керак;  
 - ботинкани мойлашдан олдин аввал ўнг, кейин чап томонга қараб олинг;  
 - ботинка қотиб қолса, уни юмшатиш учун аввал сувда қайнатиб сўнг пахта ёғи (қанақа ёғ бўлса ҳам бўлаверади, асосийси топаолсангиз бўлди) суртиб, ярим соат манти қасқонда димлаш лозим;  
 - ботинка тешилиб ёки йиртилиб қолса, зудлик билан уйингизга яқин пойфазал тузатиш дўконига мурожаат қилинг;  
 - ботинка овқатланадиган жойдан минимум ўн-ўн беш, максимум йигирма-йигирма беш метр узоклиқда туриши керак;  
 - ботинка пошниси тез ейилмаслиги учун нағал қоқиш ёки оёқни кўтариб босиш лозим (оёқ учиде юрса ҳам бўлади).  
 - ботинка кийгандан сўнг фақат юриш даркор. Югуриш тавсия этилмайди.  
 - ботинка кийганда юришни ўнг оёқдан бошланг, чап оёқнинг ўзи эргашиб бораверади;  
 - ухлаб ётганда, лой қораётганда, чўмилаётганда ботинка кийиш шарт эмас;  
 - янги ботинка оёқни сикса, дарров эскисини кийиб олиш лозим;  
 - ботинка қийшайиб қолса, айбони оёгингиздан қидиринг;  
 - ботинка кийишга ярамай қолса, янгисини сотиб олгунча эскисини ташлаб юбориш керак эмас;  
 - сандиқда сақланадиган ботинка узок вақт хизмат қилиши мумкин.



**ЭСЛАТМА:** Ботинкани дазмоллаш тавсия этилмайди.

Ботинка пойфазалнинг бир тури бўлиб, ўлчамининг катта-кичиклигидан қатъий назар ўнг ва чап пойга бўлинади. У игли, илсиз ва қулфли кўринишлари билан фарқланади. Икки жинсга: эрақлар ва аёллар ботинкасига бўлинади. Эрақлар ботинкаси аёлларникидан тубдан фарқ қилади. Эрақлар ботинкасини аввал ўнг пойи, сўнг чап пойи кийилса, аёлларники эса мутлақо тескариси. Ботинканинг уйда, тўйда, меҳмонда, сафарда, кўчада, ишда, шунчаки, заруратдан кийиладиган турлари мавжуд. Ботинка тешилиш, йиртилиш, чириш каби нозик хусусиятларга ҳам эга. Шунинг учун ботинкани ақл билан фақат ва фақат оёққа кийиш керак.

Ботинкадан фойдаланиш қоидалари:  
 - ботинка ҳар доим пайпоқдан кейин кийилади;



**МАСТАВАЛИ МАСЛАҲАТЛАР**

**УЙКУЧИЛАРГА:** Ишхонада ухлаганингизда хуррак отинг. Шунда бошқа ҳаммасларингиз ухлаёлмайди.  
**ОШПАЗЛАРГА:** Хўррандаларга ширин муомалада бўлманг. Чунки ширинлик иштаҳани бўғади.  
**ЭРЛАРГА:** Хотинингиз машина ҳайдашни ўрганаман деса, йўлида турманг.  
**УЛФАТ ТАНЛОВЧИЛАРГА:** Одамни яқиндан билишга ҳаракат қилманг. Қанча яқиндан билишга ҳаракат қилсангиз, ундан шунча узоклашасиз.  
**ПОРАХЎРЛАРГА:** Пора олишдан олдин кўлингизни совунаб ювинг. Ишингиз силлиқ кечади.  
**ШАПКЎРЛАРГА:** Ётишдан олдин кўзойнагингизни тақиб олинг. Тушингизда қоқилиб юрмайсиз.  
**ҲАЙДОВЧИЛАРГА:** Газни қаттиқ

босманг. Милисаннинг хуштагини эшитолмай қоласиз.  
**ХАЗИНА ИЗЛОВЧИЛАРГА:** Аввало хазинани яширган одамни топинг. Шунда ишингиз осонлашади.  
**ИЧУВЧИЛАРГА:** Чўнтагингиздаги бор пулингизга ичинг. Мастлигингиз тарқагач, пулингизни қидириб юрмайсиз.  
**СЕВИШГАНЛАРГА:** Учрашувга чиққанингизда кўлингизни чўнтагингизга солиб олманг. Чунки қизларнинг икки кўзи доимо чўнтагингизда бўлади.  
**МИЛЛИОНЕРЛАРГА:** Миллионер бўлишни хоҳласангиз, ҳеч иккиланмай миллион сўм қарз олинг.  
**ИҚТИСОДЧИЛАРГА:** Ҳамманинг хизматига яраша ҳақ бераверманг. Акс ҳолда пулни иқтисод қила олмайсиз.

**Илҳом ЗОИР**

**(Боши ўтган сонларда) О, МУҲАББАТ**

Гуруҳдош қизларимиздан бири: "Янги бола жудаём чиройли эканми", - деса, бошқаси: "Қаранглр унинг бўйларини, оппоклигини, юзида нури бор", яна бир қиз: "У кимни, қайси бахтли қизни севаркин-а", - дея у ҳақда гапирганда ҳар бирининг оғзидан бол томарди. Мен эса хайрон бўлиб: "Уни бошқалардан ҳеч бир ортик ери йўқ-ку", - дердим. Хуллас, дугоналаримнинг асосий гап мавзусига айланганди. Ҳолбуки, уларни ўз севган йигитлари бор эди, албатта. Мен

сайин унга бўлган муҳаббатим ортар, фақат у ҳақда ўйлардим. Унинг муваффақиятлари меникидек суяниб кетардим. Унинг чехраси ҳақиқатан ҳам нури чехра эди, у баодоб, тарбия кўрган оила фарзанди эканлиги яққол сезилиб турарди.

Бўёғи тобора ўқиш давримиз тугаб бораётганди. Мен эса: "Наҳот энди ундан айрилиб қоламан, у мени севмасмикин-а?", - деб саволлар исканжасида қолгандим. У билан зўрға салом-алик қилар, унинг кўзига қараёлмас, негадир хижолат бўлардим.

**ЎВИНГДАН ЎЗГАНИ**

эса ҳамон севгидан, севиб хато қилиб қўйишдан кўрқар эдим. Худди шу йигит бошига бир мушкуллик тушиб, ўқишдан қолиб кетди. Келгуси йил бизнинг гуруҳга, яъни бир гуруҳ қуйига ўқишга келди. 2000 йил феврал ойи охириларидан биз билан таҳсил ола бошлади. Б. анча терс, қайсарроқ экан. Унинг характери ҳайрон қолиб, ажабланар эдим. У гуруҳдошларни менсимасиди, хуллас ҳеч киришиб кетолмасди. У қандайдир беғубор эди. Мен у ҳақда ўйлайдиган бўлиб қолдим. Негадир унга ёрдам бергим келар, айрим гуруҳдошларнинг (негадир йигитлар унга куярдилар) унга орқаворотдан қиладиган муносабатлари нафратимни кўзгар, унга ёрдам бериш йўлларини қидирардим. Унинг юрагида қандайдир дард борга ўхшар, чехраси маъюс, ҳамон бегонасираб, киришиб кетолмасди. Қизлар билан чиқшолмасди. Ўзим билмаган ҳолда унга турилган кунда блокнот бериб, гуруҳдошлар қатори дил сўзи ёзиб беришини сўрасам, у бажонидил чиройли тилақлар ёзиб берди. У қизларга умуман парво қилмасди. Мен кундалик тутардим, бора-бора кундалигим у ҳақдаги ёзувларга, шеърларга тўла бошлади. Сиримни фақат бир дугонамага айтдим, ҳеч кимга сездирмадим. Уни ёқтириб қолганимни тушундим. Баҳор байрамига атаб гуруҳдошлар кеча ўтказдик. Кечамизга у ҳам келди. У ҳамон бегонасирамиди ёки менсимасиди, хуллас қизлар ҳам унга шундай муносабатда бўлиб, пичинг гаплар қилишди. У жуда ориятли экан, кечадан чиқиб кетди. Унга жуда раҳим келди.



**СУЙГАНИМ ЕТАР**

Мен ўз-ўзимга сўз бердим: "Энди доимо унга ёрдам бераман, у бошқа қийналмайди". Буни қарангки, кечаданинг севимли кассетаси менинг магнитофонимда қолиб кетибди. У Валерий Меладзе қўшиқлари экан. Уйга келиб тинглаб, "Красива" қўшиғи менга ёқиб қолди. 3-4 кун ўтиб, у кассетани сўради. Мен ундан кассетани менда қолдиришини сўрадим. Чунки кассетадан унинг сигарета аралашиси келарди. Тавба, шу ис ҳануз сақланган қолди. Кассета менга ундан бир умрлик эсдалик бўлиб қолди. Шундан сўнг мен унга хат орқали мурожаат қила бошладим. Яъни ўқиш муаммолари, ташвишлари юзасидан ёрдам бера бошладим. У ҳам қабул қилар, «раҳмат» айтардию, ҳеч бир жавоб қайтармасди. Унга дўстона муносабатда эканлигимни у ҳам билди. Кун

Назаримда у ҳам буни аниқ сезар эди. Энди у ҳам хижолат бўла бошлади. У менинг бу ҳаракатларимни қандай тушунди — дўстлик дебими, ва ё севги дебми. Хуллас саволларимга жавоб тополмай, дардимни ичимга ютиб юравердим.

Мен йиғлаб-йиғлаб, кўрқиб кутган кун келди. Яъни диплом ҳимоя кунимиз. Шу кунгача Б. биронта хатимга жавоб қайтармади. У ҳам индамай юраверди, мен ҳам. Тўғри, унга ҳеч қачон муносабатим ҳақида очик ёзмадим. Бунга гурурим йўл қўймасди. Унинг айрим дўстлари ҳам хатларимдан хабардор бўлибдилар. Мен улардан ҳеч нарса сўрашга ботинолардим. Диплом ҳимоя қилдик. Шу кунгача дугонама менга: "Унга бўлган муносабатингизни билдирман, у билан бу тўғрида галлашаман, токи сиз ўйланиб юрманг", - дердию, мен: "Йўқ, керакмас, у нима деб ўйлайди", -деб унамасдим.

Диплом ҳимоясидан сўнг, факультетдаги устозларимиз билан ҳаммамиз, Б. ҳам суратга тушдик. Шундан сўнг курсдошлар билан битирув кечамизни қаерда ўтказишни маслаҳат қилмоқчи бўлдик. У эса чиқиб кета бошлади. Мен унинг орқасидан тикилиб, нима қиларимни билмай, гарангсиб қолавердим. Ичим тирналар, диллим ўқсиб кўзларимга ёш келди, дугоналаримга билдирмадим. Назаримда у менга берафқ эмас эди. "Майли, битирув кечамизга у ҳам борса керак, албатта унга севгимни билдирман, қачонгача сир сақлайман", - деб ўйладим. Курсдошлар билан маслаҳатлашиб олгач, анчадан сўнг бекатга чиқдик. У ҳануз бекатда бир ўзи турар экан.

**(Давоми бор)**

**Оила ва жамият**

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
 Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35  
 Котибият, хатлар: 34-25-46  
 Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаохнаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
 Босишга топшириш вақти - 20.35  
 Босишга топширилди - 20.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Ақшорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - { якка обуначилар учун 176  
 ташкилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 2726. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ. Баҳоси эркин нарҳда.

Саҳифаловчи — **Жаффар ЖАББОРОВ**.  
 Рассом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ**.  
 Навбатчи — **М. СОДИҚОВ**.